

Ўзбекистон Республикаси Табиат
ресурслари вазирлиги
хузуридаги
Гидрометеорология хизмати
агентлиги
Бош директор в.в.б



И.А.Каримов

«___» ____ 2023 й.

**2023 йил I ярим йиллигига Юридик бўлим фаолиятини ривожлантириш бўйича
ИШ РЕЖА**

T/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизмлари	Ижро муддатлари	Ижро учун масъуллар
1.	Ўзгидрометининг хукуқни қўллаш фаолиятида конун устуворлиги ва қонунийликни таъминлашни ташкил этиш	<p>1.1 қонун бузилишларини, уларнинг сабаблари ва шарт-шароитларини бартараф этиш юзасидан таклифлар киритиш, ушбу чора-тадбирларни амалга оширишда иштирок этиш;</p> <p>1.2 раҳбариятга тақдим қилинадиган буйруқлар, фармойишлар, шартномалар ва юридик тусдаги бошқа хужжатлар лойиҳаларини уларнинг қонунчиликка мувофиқлиги юзасидан экспертизадан ўтказиш ҳамда улар бўйича эътиroz ва таклифлар бўлмаса, виза қўйиш. Бунда лойиҳаларга юридик хизмат томонидан бошқа таркибий тузилмаларидан (ходимларидан) кейин виза қўйилади;</p> <p>1.3 жисмоний ва юридик шахсларнинг хукуқ ва эркинликларини амалга оширишга таъсир этадиган Ўзгидрометнинг қарорлари юзасидан хulosалар бериш;</p> <p>1.4 мустақил равишда ёки бошқа тузилмалар билан биргаликда Ўзгидрометнинг буйруқлари, фармойишлари, шартномалари ва юридик тусдаги бошқа хужжатларини ишлаб чиқиши, уларга ўзgartishiш ва қўшимчалар киритиш,</p>	Доимий	А.Э. Исламов С.Б. Исхакова

		<p>шунингдек уларни ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида таклифлар тайёрлаш;</p> <p>1.5 тегишли тузилмаларида хукуқни қўллаш амалиётини ўрганиш, таҳлил қилиш ва умумлаштириш, уни такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш ва раҳбариятга киритиш;</p> <p>1.6 бошқа тузилмалар билан биргалиқда Ўзгидрометнинг, тегишли тузилмалар ва уларнинг мансабдор шахслари фаолиятида қонунийликнинг бузилиши кўрсатилган аризалар, таклифлар ва шикоятларни кўриб чиқишида иштирок этиш;</p> <p>1.7 бошқарув тизимини такомиллаштириш, Ўзгидромет тизимига кирадиган тузилмалар ва уларнинг мансабдор шахсларининг хукуқ ва мажбуриятларини белгилаш бўйича таклифлар ишлаб чиқишида иштирок этиш;</p> <p>1.8 меҳнат ҳакидаги қонунчиликка риоя этилишини таъминлашда, шу жумладан меҳнат муносабатларини тартибга солувчи хукуқий хужжатларни (меҳнат шартномаси, жамоа шартномаси, жамоа битими ва бошқаларни) ишлаб чиқишида иштирок этиш, ушбу хужжатлар лойиҳаларининг қонунчиликка мувофиқлигини текшириш ва хукуқий холоса бериш;</p> <p>1.9 раҳбариятга Ўзгидромет фаолиятида қонун устуворлиги ва қонунийликни таъминлаш аҳволи юзасидан ҳисобот тақдим этиш;</p> <p>1.10 касаба уюшмалари ва бошқа вакиллик органларига ваколатларини амалга оширишида юридик ёрдам кўрсатиш.</p>		
2.	<p>Ўзгидромет томонидан чиқилаётган қилинаётган норматив-хукуқий ва бошқа хужжатлар лойиҳаларининг қонунчиликка мувофиқлиги устидан назоратни олиб бориш шунингдек қонун ижодкорлиги фаолиятида иштирок этиш, қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан таклифларни тайёрлаш масалаларида уларнинг тузилмалари ишини мувофиқлаштириш</p>	<p>2.1 норма ижодкорлиги фаолиятининг жорий ва истиқболли режаларини ишлаб чиқиши ёки уларнинг ишлаб чиқилишида, амалга оширилиши ва бажарилишини назорат қилишда иштирок этади;</p> <p>2.2 Ўзгидромет ваколатига кирадиган масалалар бўйича норматив-хукуқий хужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиши ёхуд ишлаб чиқишида иштирок этиш;</p> <p>2.3 идоравий норматив-хукуқий хужжатларини ишлаб чиқиши ёхуд уларни ишлаб чиқишида ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига хукуқий экспертизадан ўтказиш ва давлат рўйхатига олиш учун юборишида иштирок этиш;</p> <p>2.4 экспертизадан ўтказиш ёки келишиш учун тақдим этилган норматив-хукуқий хужжатлар лойиҳаларини мустақил ёки бошқа тузилмалар билан биргалиқда хукуқий экспертизадан ўтказиш, уларнинг қонунчиликка, қонунчилик техникаси қоидаларига, ҳавола қилувчи нормалар кўлланилишининг асослилиги ва мақсадга мувофиқлиги, шунингдек уларда коррупцияга сабаб бўладиган омилларнинг мавжуд эмаслиги юзасидан хукуқий холосалар тайёрлаш;</p>	Доимий	А.Э. Исламов С.Б. Исхакова

		<p>2.5 норматив-хукуқий хужжатлар лойиҳалари бўйича эътиroz ва таклифлар бўлмаса, уларга виза қўйиш. Бунда лойиҳаларга юридик хизмат томонидан давлат органи ва ташкилотининг бошқа таркибий тузилмаларидан (ходимларидан) кейин виза қўйиш;</p> <p>2.6 тизимли равишда Ўзгидромет соҳа фаолиятидаги амалдаги норматив-хукуқий хужжатларнинг уларда коррупцияга сабаб бўладиган омилларни аниқлашга қаратилган таҳлилни ўтказиш;</p> <p>2.7 Ўзгидромет фаолияти соҳасида давлат бошқарувини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқишида иштирок этиш.</p>		
3.	Ўзгидромет тизимдаги ходимларнинг хукуқий маданияти ва хукуқий саводхонлигини ошириш, уларга қабул қилинаётган норматив-хукуқий хужжатларнинг мазмун ва аҳамиятини, шу жумладан замонавий ахборот-коммуникация технологиялари орқали етказишида иштирок этиш	<p>3.1 раҳбарият учун қонунчилик масалалари бўйича таҳлилий материаллар тайёрлаш;</p> <p>3.2 ходимларнинг хукуқий билимларини ошириш тадбирларини ташкил этиш тўғрисида таклифлар киритиш, ушбу тадбирларни ўтказишида иштирок этиш;</p> <p>3.3 Ўзгидромет фаолиятига тегишли қонунчиликни тарғиб қилиш ишларини амалга ошириш;</p> <p>3.4 зудлик билан Ўзгидромет ахборот хизматига веб-сайтга жойлаштириш мақсадида қабул қилинган норматив-хукуқий хужжатлар ва уларнинг мазмун ва аҳамияти тўғрисида маълумотлар киритиш;</p> <p>3.5 Ўзгидромет ходимларининг мурожаатлари бўйича уларга соҳа фаолиятига тегишли хукуқий хужжатларни топишга кўмаклашиш, зарур ҳолларда уларнинг қоидалари бўйича тушунтиришлар бериш;</p> <p>3.6 қонунчиликка киритилган ўзгартиришлар ҳақидаги маълумотларни, суд амалиётини, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг хукуқий ишларга тааллуқли кўрсатмаларини Ўзгидромет тизимига кирадиган тузилмаларга етказиши.</p>	Доимий	А.Э. Исламов С.Б. Исхакова
4.	Ўзгидрометнинг шартномавий-хукуқий ва талабнома-даъво ишларини юритиш, мулкий ва бошқа манфаатларини ишончли ҳимоя қилинишини таъминлаш.	<p>4.1 Ўзгидрометда шунингдек фуқаролар билан низолар вужудга келганда, мустақил ёки бошқа таркибий тузилмалар билан биргаликда уларни судгача ҳал этиш чораларини кўриш;</p> <p>4.2 бошқа тузилмалар билан биргаликда Ўзгидромет томонидан шартномаларни тайёрлаш ва тузиш ишларида иштирок этиш, уларнинг қонунчиликка мувофиқлигини текшириш ҳамда шартномалар лойиҳаларига, агар эътиroz ва таклифлар бўлмаса, виза қўйиш. Бунда лойиҳаларга юридик хизмат томонидан давлат органининг бошқа таркибий тузилмаларидан (ходимларидан) кейин виза қўйиш;</p> <p>4.3 шартномаларни тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор қилишнинг белгиланган тартибига риоя этилишини назорат қилиш;</p>	Доимий	А.Э. Исламов С.Б. Исхакова

- | | | | |
|--|--|--|--|
| | <p>4.4 Ўзгидромет томонидан тузилган шартномаларни зарур даражада бажариш бўйича таклифлар киритиш, шартномавий муносабатларни такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқишида иштирок этиш;</p> <p>4.5 Ўзгидрометнинг манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича талабномалар тайёрлашда ва тизимга нисбатан билдирилган талабномаларни кўриб чиқишида иштирок этиш, талабномалар билдириш ва уларни кўриб чиқиш тартибига риоя этилишини назорат қилиш</p> <p>4.6 тегишли тузилмалар билан биргаликда Ўзгидрометнинг дебиторлик ва кредиторлик қарзлари аҳволини ўрганиш, уларнинг миқдорини камайтириш чораларини кўриш;</p> <p>4.7 шартномавий муносабатлардан келиб чиқадиган низолар юзасидан даъво ишларини олиб бориш;</p> | | |
|--|--|--|--|